

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ  
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2018 ЙИЛ  
ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ**

**Самарқанд – 2018**

## СЎЗ БОШИ

Самарқанд вилоятининг статистик ахборотномаси – Самарқанд вилоятининг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2018 йил январь-сентябрь ойлари якунлари бўйича вилоятнинг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2018 йил бошидан, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Рев.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдават таснифлагичи (ИФУТ–2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ–2 талаблари қўлланилган.

Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ–кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитсиялаш, сув таъминоти, канализатсия тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизатсия қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг Б,С,Д,Е,Ф сексиялари).

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Сексия А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, ялпи ички маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯХМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 10 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек, ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, нарх, меҳнат бозори ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

## Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	—	ялпи ҳудудий маҳсулот	л.	—	литр
%.	—	Фоиз	0,0	—	катта бўлмаган миқдор
млрд.	—	Миллиард	м.	—	марта
млн.	—	Миллион	—	—	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	—	миллион АҚШ доллари	га.	—	гектар
кв.	—	Квадрат	тн.	—	тонна
км.	—	Километр	1), 2), 3) .....	—	изоҳнинг мавжудлиги
м.	—	Метр			

## МУНДАРИЖА

Номи	бет.
Асосий иқтисодий кўрсаткичлар	7
<b>I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ</b>	<b>8-9</b>
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби	8
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши	9
<b>II. САНОАТ</b>	<b>10-13</b>
2018 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш	10-11
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш	12-13
<b>III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	<b>14-21</b>
Ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотлари	14
Мева-сабзавот маҳсулотлари	15
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши	15
2018 йил 1 сентябрь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони	16-17
2018 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари	18
Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби	19
2018 йил январь-сентябрда етиштирилган пилла хом-ашёси	20
2018 йил январь-сентябрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	21
<b>IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ</b>	<b>22-26</b>
Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши	22
2018 йил январь-сентябрда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби	23
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	24
Ижтимоий соҳа объектларини қуриш	25
Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти	26
<b>V. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)</b>	<b>27-28</b>

2018 йил январь-сентябрда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти  
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг  
(фуқаролар мулки) улуши

27-28

## **VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ**

**29-35**

2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият  
кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича

29

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар

30

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони ва улуши

31-33

Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари

34-35

## **VII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР**

**36-41**

2018 йилнинг январь-сентябрида МДХ ва бошқа давлатлар кесимида  
вилоятнинг ташқи савдо айланмаси

36

2018 йил январь-сентябрда вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ  
ва бошқа давлатларнинг улуши

37

2018 йилнинг январь-сентябрида вилоят экспорт-импорти таркиби

37-38

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

39

2018 йилнинг январь-сентябрида вилоят ташқи савдо айланмасида  
катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси

40-41

## **VIII. ТРАНСПОРТ**

**42-43**

Юк ташиш ва Юк айланмаси транспорт турлари бўйича

42

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

43

## **IX. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ**

**44-50**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана  
товар айланмаси

44

2018 йил январь-сентябрда чакана савдо айланмаси таркиби

45-46

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари  
бўйича тақсимланиши, бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий  
фаолият турлари

46-48

Худудлар кесимида бозор хизматлари ишлаб чиқариш

48-49

Худудларнинг бозор хизматлари ишлаб чиқаришдаги улуши

50

## **X. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ**

**51-57**

Доимий аҳоли сони

51-52

Аҳолининг табиий ҳаракати 2018 йил январь-сентябрда

52-53

Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузулиши, аҳолининг миграция  
кўрсаткичлари

54-56

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган  
фуқаролар сони

57

## Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
<b>Ялпи ҳудудий маҳсулот</b>	<b>15623,0</b>	<b>102,9</b>
Саноат маҳсулоти	<b>8014,8</b>	<b>106,2</b>
Истеъмол товарлари	<b>5039,2</b>	<b>108,1</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	7723,6	97,5
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	4015,2	135,1
Қурилиш ишлари	2142,1	109,6
Юк айланмаси (млн. тн-км)	751,8	101,1
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км)	10751,0	102,2
Чакана товар айланмаси	7821,0	105,5
Хизматлар, жами	7115,8	108,2
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл)	1072,3	137,2
Экспорт	207,7	114,7
Импорт	864,6	144,0
Салдо (+;-)	-656,9	156,7

## I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми 15623,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йил январь-сентябрга нисбатан 2,9 фоизга ўсди.


2018 йил январь-сентябрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 118,2 фоизни ташкил қилди.

### Январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби


	млрд.сўм		2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил	2018 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>12842,3</b>	<b>15623,0</b>	<b>102,9</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	12564,1	15230,2	102,9
Маҳсулотларга соф солиқлар	278,2	392,8	106,6
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>12564,1</b>	<b>15230,2</b>	<b>102,9</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4106,2	4900,0	97,5
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	3016,9	3877,9	106,3
Саноат	2285,0	2920,5	105,3
Қурилиш	731,9	957,4	109,6
Хизматлар	5441,0	6452,3	104,9
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1206,9	1475,1	103,9
Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	1312,3	1461,4	108,3
Бошқа хизматлари	2921,8	3515,8	103,8

**Январь-сентябрь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби  
(фоизда)**

**2017 йил**



**2018 йил**



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Хизматлар
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)

2018 йилнинг январь-сентябрида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига таъсири қурилиш 6,3 %, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (9,7 %) ва саноат (қурилишни қўшган ҳолда) (25,5 %) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 70,7 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2017 йил январь-сентябрга нисбатан 1,8 бандга камайган.

2018 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 42,3 фоизни ташкил қилди.

## II. САНОАТ

Вилоятда саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2018 йилнинг январь-сентябрида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8014,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 106,2 фоизни ташкил қилди.

Ҳисобот даврида 5039,2 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йил январь-сентябрга нисбатан 108,1 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1904,3 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 3134,9 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2017 йил январь-сентябрга нисбатан мос равишда 110,1 ва 107,0 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперацияларини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида 284,0 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

### 2018 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш


	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
<b>Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми</b>	<b>8014,8</b>	<b>106,2</b>
<b>Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>	<b>47,8</b>	<b>98,4</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Металл рудаларини қазиб олиш	0,1	4,7
<b>Қайта ишлаш саноати</b>	<b>7658,0</b>	<b>105,3</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	3248,0	103,2

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1529,0	107,2
Ёғоч ва пўкак буюмлар, похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	107,7	96,5
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	27,8	107,7
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2,0	104,0
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	230,2	108,8
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	49,1	119,9
Бошқа нometалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	256,8	109,1
Металлургия саноати	175,2	104,9
Автотранспорт воситалари, тиркамалар ва ярим притсеplar ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	2032,2	106,7
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>238,5</b>	<b>141,6</b>
<b>Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизатсия қилиш</b>	<b>70,5</b>	<b>129,2</b>


## Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2017 йил январь-сентябрь



2018 йил январь-сентябрь




- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизатсия қилиш

Ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари, млрд.сўм

Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	5039,2	108,1
------------------------------------	--------	-------

шу жумладан:

Озиқ-овқат товарлари	1904,3	110,1
Ноозиқ-овқат товарлари	3134,9	107,8



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини  
ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)**


	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2018 йил январь- сентябрь</i>	<i>2017 й январь- сентябрга нисбатан %</i>
<b>Қайта ишлаш саноати</b>			
Таркибида иккита таъминловчи элемент—азот ва фосфор бўлган минерал ёки кимёвий ўғитлар	<i>минг тонна</i>	53,2	124,4
Арок	<i>минг л. 100% спирт</i>	1236,7	89,5
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	<i>минг л. 100% спирт</i>	202,8	101,3
Узум виноси	<i>минг л.</i>	854,3	126,8
Пиво (пиво ишлаб чиқариш чиқиндилардан ташқари)	<i>минг л.</i>	27180,0	-
Юмшоқ буғдой ва спелта уни	<i>минг тн.</i>	111,7	100,1
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони(буханка), оғирлиги 600 г	<i>тн</i>	619,0	34,0
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари (кимёвий модификация килинганларидан ташқари)	<i>тн</i>	7536,3	98,7
Пахта толаси	<i>минг тн.</i>	44,0	89,2
Пахта чигити	<i>минг тн.</i>	55,3	99,1
Пахта тивити (линт)	<i>тн</i>	2872	87,7
Иссиқлик электр марказлари (ИЭМ) ишлаб чиқарган электр энергияси	<i>млн.кВт/с</i>	55,4	346,0
Бўғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси )	<i>минг Гкал.</i>	45,2	110,0

### III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти – ҳисобот даврида қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ҳажмларининг қийматини белгилаб, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини ифодалайди.

2018 йил январь-сентябрда ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) қишлоқ хўжалиги маҳсуотлари умумий ҳажми 7723,6 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 97,5 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 7703,2 млрд. сўмни (97,5 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 9,7 млрд. сўмни (103,9 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 10,8 млрд. сўмни (162,5 фоиз) ташкил қилди.


#### Худудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (2018 йил 1 октябрь ҳолатига)



**Ҳосил йиғими.** 2018 йил январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 596,8 минг тонна бошоқли дон экинлари, шундан 579,0 минг тонна бугдой ишлаб чиқарилди.

Барча тоифадаги хўжаликларда 492,3 минг тонна картошка (104,2 фоизга кўп), 1413,7 минг тонна сабзавотлар (96,0 фоизга кам), 100,0 минг тонна полиз экинлари (104,5 фоизга кўп), 306,2 минг тонна мева ва резаворлар (102,0 фоизга кўп), 465,4 минг тонна узум (100,2 фоизга кўп) етиштирилди.


**2018 йил январь-сентябрда етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотлари  
тоифалар бўйича, тонна**



**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари  
бўйича тақсимланиши  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**

**2017 йил январь-сентябрь**

**2018 йил январь-сентябрь**



**Чорвачилик.** 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 102,9 фоизга (жами 1581,7 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 102,9 фоизга (682,1 минг бош), қўй ва эчкилар 105,8 фоизга (2484,8 минг бош), отлар 105,1 фоизга (25838 бош) ва паррандалар 118,9 фоизга (11983,3 минг бошга) ўсди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 88,6 ва 6,4 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 93,8 ва 5,9 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 46,6 ва 13,5 фоизни ташкил этди.

**Чорва моллари ва паррандалар бош сони  
(2018 йил октябрь ҳолатига)**

	<i>минг. бош</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
<b>Йирик шохли қорамол</b>	<b>1581,7</b>	<b>102,9</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	74,8	111,6
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1496,8	102,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	10,1	198,0
<b>улардан сигирлар</b>	<b>682,1</b>	<b>102,9</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	26,4	114,8
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	653,2	102,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,5	147,0
<b>Қўй ва эчкилар</b>	<b>2484,8</b>	<b>105,8</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	134,5	98,6
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	2143,5	106,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	206,8	107,0
<b>Отлар</b>	<b>25,8</b>	<b>105,1</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	2,3	139,3
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	23,0	102,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,6	102,6
<b>Паррандалар</b>	<b>11983,3</b>	<b>118,9</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	2508,3	146,6

	минг. бош	ўсиш суръати, %
--	-----------	-----------------

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	5340,3	105,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	4134,7	125,4


Йирик шохли қорамоллар (минг бош)



шу жумладан сигирлар (минг бош)



Қўйлар ва эчкилар (минг бош)



Паррандалар (минг бош)




Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,6 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,7 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 95,8 ва 3,9 фоизни, қўй ва эчкилар 86,4 ва 5,4 фоизни, отлар 89,0 ва 8,9 фоизни, паррандалар 44,6 ва 20,9 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-сентябрда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн хисобида 217,2 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 108,3 фоизга кўп), 1026,1 минг тонна сут (108,1 фоизга кўп), 1183,6 млн. дона тухум (100,7 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

#### **2018 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари**

	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати,%</i>
<b>Гўшт (тирик вазнда), минг тонна</b>	<b>217,2</b>	<b>108,3</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	13,8	3,2м
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	192,4	103,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	11,0	109,1
<b>Сут, минг тонна.</b>	<b>1026,1</b>	<b>108,1</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	60,9	188,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	962,4	105,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,7	138,2
<b>Тухум, млн. дона</b>	<b>1183,6</b>	<b>100,7</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	160,0	103,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	552,1	92,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	471,5	111,4

**Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби**  
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)



**Фермер хўжаликлари.** 2018 йилнинг январь-сентябрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 2894,0 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 38,0 фоизни ташкил қилди.

2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига фермер хўжаликларида 74,8 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 26,4 минг бош сигир, 134,5 минг бош қўй ва эчкилар, 2296 бош от ва 2508,3 минг бош паррандалар мавжуд.

**2018 йил январь-сентябрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб  
чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

	январь-сентябрь				2017 январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил		2018 йил		
	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Бошоқли дон	558,7	77,5	485,2	81,3	86,9
шу жумладан: буғдой	553,0	77,8	480,6	83,0	86,9
Картошка	102,7	21,7	72,1	14,6	70,2
Сабзавот	809,4	55,0	723,2	51,2	89,4
Полиз	37,5	39,2	38,7	38,7	103,1
Мева ва резаворлар	131,5	43,8	115,7	37,8	88,0
Узум	285,2	61,4	285,6	61,4	100,1
Гўшт, тирик вазнда	4,3	2,2	13,8	6,4	319,5
Сут	32,3	3,4	60,9	5,9	188,4
Тухум, млн.дона	154,5	13,1	160,0	13,5	103,6
Жун, тонна	0,2	5,4	0,1	4,1	80,6

#### IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-сентябрда вилоятнинг асосий капитални кўпайтиришга 4015,2 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 135,1 фоизни ташкил қилди.

##### Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>4015,2</b>	<b>135,1</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар</b>	<b>512,3</b>	<b>119,5</b>	<b>12,7</b>
бюджет маблағлари	100,0	52,8	2,5
давлат мақсадли фонд маблағлари	361,8	172,9	9,0
ҳукумат қаролати остида чет эл кредитлари	50,5	182,0	1,2
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>3502,9</b>	<b>137,8</b>	<b>87,3</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари (маҳаллий бюджет маблағларини қўшган ҳолда)	1146,6	82,0	28,5
аҳоли маблағлари	1182,9	140,1	29,5
тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	99,1	168,5	2,5
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	1074,3	234,2	26,8


**2018 йил январь-сентябрда асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг технологик таркиби**

	<i>Жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>4015,2</b>	<b>918,5</b>	<b>3096,7</b>
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>	100,0	100,0	100,0
<b>қурилиш-монтаж ишлари</b>	<b>2672,1</b>	<b>804,6</b>	<b>1867,5</b>
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	1188,7	82,7	1106,0
<b>Бошқа харажатлар</b>	<b>154,4</b>	<b>31,2</b>	<b>123,2</b>

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2017 йил январь-сентябрга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 66,6 фоиз пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 29,6 фоиз пунктга кўпайган ва бошқа харажатларнинг улуши 3,8 фоизли пунктга камайган.


**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва  
марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари**

**2017 йил январь-сентябрь**




- марказлашган
- марказлашмаган

**2018 йил январь-сентябрь**



**2018 йил январь-сентябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича  
асосий капиталга киритилган инвестициялар  
(жамига нисбатан фоизда)**



### Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2018 йил январь-сентябрда умумий майдони 742,9 минг кв.м. бўлган 5096 та (2017 йил январь-сентябрга нисбатан 114,2 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 617,8 минг кв.м. 113,1 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 1194,1 млрд. сўмни ёки 29,7 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди. Коммунал қурилиш соҳасида 149,4 км узунликдаги ичимлик суви, 19,5 км

узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2017 йил январь-сентябрга нисбатан мос равишда 79,1 ва 46,3 фоизни ташкил қилди.


Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 1721,4 млн.сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 574,0 млн. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2018 йил январь-сентябрда 2142,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 109,6 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 83,0 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 11,0 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ҳамда 6,0 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан, умумий ҳажмдан 86,9 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади. Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 2114,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 98,7 фоизни (2017 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 125,7 фоизни) ташкил қилди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

**2017 йил январь-сентябрь**



**2018 йил январь-сентябрь**



## V. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 19783 тани ташкил қилди.

2018 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 70,7 фоизи (2017 йил январь-сентябрда 72,5 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 4167,5 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 52,0 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 103,5 фоизни ташкил қилди;

- қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган маҳсулотлари (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 7585,2 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўсиш суръати 97,2 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 98,2 фоизи) ташкил қилди.

- 2196,1 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 54,7 фоизи) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 130,1 фоизни ташкил қилди.

- 2106,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 98,3 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 114,2 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг ҳажми 728,2 млн.тн.км ўсиш суръати 103,4 фоизни (вилоят жами юк айланмасининг 96,9 фоизи) ташкил қилди, ҳамда йўловчи айланмасининг ҳажми 10553,3 млн. кишини ташкил қилиб ўсиш суръати 103,0 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 98,2 фоизи) кўпайди;


- Чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 90,8 фоизи ёки 7099,9 млрд. сўми (ўсиш 102,3 фоиз) хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 74,1 фоизи ёки 5271,5 млрд. сўми (ўсиш 104,5 фоиз) шакллантирилди;

- 154,2 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 74,3 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 590,5 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 68,3 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**2018 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти  
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши. фоизда**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	7585,2	98,2
Саноат	4167,5	52,0
Қурилиш	2106,3	114,2
Чакана савдо	7099,9	90,8
Юк ташиш, млн.тн.	31,5	96,0
Йўловчи ташиш, млн.киши	317,0	94,1
Экспорт, млн. АҚШ долл.	154,2	74,3
Импорт, млн. АҚШ долл.	590,5	68,3

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар)  
умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг  
ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**



## VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 58738 тани ташкил қилиб, шундан 46538 таси ёки 79,2 фоизи фаолият кўрсатмоқда.


Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасига 35402 та (60,3 фоизи), савдо 5664 та (9,6 фоизи), саноат 4680 та (8,0 фоизи), қурилиш 2201 та (3,7 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1578 та (2,7 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

### 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>58738</b>	<b>100,0</b>	<b>46538</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	35402	60,3	24179	52,0
Саноат	4680	8,0	4483	9,6
Қурилиш	2201	3,7	2069	4,4
Савдо	5664	9,6	5398	11,6
Ташиш ва сақлаш	802	1,4	776	1,7
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1578	2,7	1517	3,3
Ахборот ва алоқа	432	0,7	403	0,9
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	556	0,9	544	1,2
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	7423	12,7	7169	15,3


Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 6,6 фоизи давлат ва 93,4 нодавлат мулки шаклидаги корхоналар ҳисобланади.

**Рўйхатга олинган ҳўжалик юритувчи субъектлар**  
(умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)



Нодавлат мулки шаклидаги корхоналар 93,4 фоизни ташкил қилган бўлса, 9,5 фоизи хусусий корхоналар, 0,7 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 4,3 фоизи оилавий корхоналар ва 85,5 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган нодавлат мулкидаги ҳўжалик юритувчи субъектлар**  
(умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)



2018 йил январь-сентябрь жами 5335 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган. Уларнинг асосий қисми Самарқанд шаҳрида (19,4 фоизи), Пастдарғом (10,0 фоизи), Пайариқ (8,0 фоизи), Ургут (7,9 фоизи), Иштихон (7,4 фоизи), Қўшработ туманида (5,9 фоизи), Самарқанд (5,8 фоизи), Каттақўрғон (5,6 фоизи) ва Жомбой (4,9 фоизи) туманларига тўғри келди.


Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 40,9 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 13,3 фоизи савдо, 15,0 фоизи саноат, 11,8 фоизи бошқа соҳалар, 7,7 фоизи қурилиш ҳамда 6,3 фоизи яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларга тўғри келади.

Ҳисобот даврида 1457 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 224 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 15,4 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

### **Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони**

2018 йил 1 октябрь ҳолатига вилоятда жами 376 та хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар мавжуд бўлиб, улардан 282 таси қўшма корхоналар, 94 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

### **Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналарнинг сони, бирликда**




**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар кесимидаги сони ва улуши**

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Самарқанд шаҳрида (193 та ёки 51,3 фоизи), Ургут туманида (38 та 10,1 фоизи), Жомбой (31 та 8,2 фоизи), Самарқанд (20 та 5,3 фоизи), Тайлоқ (15 та 4,0 фоизи), Оқдарё (17 та 4,5 фоизи), Пастдарғом (12 та 3,2), Каттақўрғон шаҳрида (10 та 2,7 фоизи), Нуробод (8 та 2,1 фоиз) ва Булунғур туманлари (7 та 1,9 фоиз) ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Қўшработ (1 та 0,3 фоиз), Каттақўрғон (3 та 0,8 фоизи), Нарпай (4 та 1,1 фоиз) ва Пахтачи туманлари (5 та 1,3 фоизи) ҳиссаларига тўғри келади. Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.


	сони	улуши, %
<b>Самарқанд вилояти</b>	<b>376</b>	<b>100,0</b>
Самарқанд ш	193	51,3
Каттақўрғон ш	10	2,7
туманлар:		
Оқдарё	17	4,5
Булунғур	7	1,9
Жомбой	31	8,2
Иштихон	6	1,6
Каттақўрғон	3	0,8
Қўшработ	1	0,3
Нарпай	4	1,1
Пайарик	6	1,6
Пастдарғом	12	3,2
Пахтачи	5	1,3
Самарқанд	20	5,3
Нуробод	8	2,1
Ургут	38	10,1
Тайлоқ	15	4,0

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар кесимидаги сони, бирликда**



Соҳалар кесимида ушбу маълумотларни 2018 йил 1 октябрь ҳолатига энг кўп саноатда 232 та (61,7 фоиз), савдода 54 та (14,4 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 29 та (7,7 фоиз), бошқа турларида эса 23 та (6,1 фоиз) ташкил қилган. Энг камлари эса ахборот ва алоқада 3 та (0,8 фоиз), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 4 та (1,1 фоиз), ташиш ва сақлаш 6 та (1,6 фоиз), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 11 та (2,9 фоиз) ҳамда қурилишда 14 (3,7 фоиз)ни ташкил қилган.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, фоизда**



2018 йил январь-сентябрь ойлари якуни бўйича вилоятда жами 99 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми Самарқанд шаҳрида (57 та), Оқдарё (7 та), Жомбой, Ургут ва Тайлоқ туманларида (5 тадан), Пайариқ ва Самарқанд, туманларида (4 тадан), Иштихон (3 та), Каттакўрғон шаҳар, Каттакўрғон ва Пастдарғом туманларида (2 тадан) ҳамда Нарпай, Пахтачи ва Нуробод туманларида (1 тадан) ташкил

этилган. Қолган туманларни хорижий капитал иштирокидаги корхоналар ташкил этилмаган қаторига киритиш мумкин.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 38 та, савдода 20 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 15 та, қурилишда 12 та, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 5 та, ташиш ва сақлаш ва ахборот ва алоқада 1 тадан ҳамда бошқа фаолият турларида 7 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар янги ташкил этилган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда**



**Кичик корхона ва микрофирмалар сони**


2018 йил 1 октябрь ҳолатига вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 18865 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2017 йил 1 октябрь ҳолатига қараганда 18,2 фоизга ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми яъни 6322 таси (33,5 фоизи) Самарқанд

шаҳрида, 1791 таси (9,5 фоизи) Ургут, 1410 таси (7,5 фоизи) Пастдарғом ҳамда 1372 таси (7,3 фоизи) Самарқанд туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

2018 йил январь-сентябрь ойлари давомида 3250 та кичик тадбиркорлик субъектлари янги ташкил этилган. Бу эса 2017 йил 1 октябрь ҳолатига қараганда 21,1 фоизга ошган.

Энг кўп янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари Самарқанд шаҳрида (957 та), Самарқанд (270 та), Ургут (250 та) ва Пайариқ туманларида (201 та) ташкил этилган. Энг кам янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари эса Пахтачи (61 та) ҳамда Қўшработ (74 та) туманларига тўғри келган.


#### **Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари, бирликда**



#### **Оилавий корхоналар сони**


Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига 2347 тани ташкил этиб, улардан 2278 таси ёки 97,1 фоизи фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сони ўртача 50,5 фоизга ўсган.

### Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда




Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг асосий қисми, яъни 742 таси Самарқанд шаҳрига, 253 таси Иштихон, 238 таси Самарқанд ҳамда 229 таси Пастдарғом туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

### Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони, бирликда



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича қаралганда оилавий корхоналарнинг 33,9 фоизи ёки 773 таси саноат, 26,7 фоизи ёки 608 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 18,0 фоизи ёки 411 таси савдо, 9,7 фоизи ёки 222 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1,6 фоизи ёки 36 таси ахборот ва алоқа, 1,1 фоизи ёки 26 таси қурилиш, 0,9 фоизи ёки 20 таси ташиш ва сақлаш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш 0,4 фоизи ёки 9 таси ҳамда 7,7 фоизи ёки 173 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

**Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича  
улуши, фоизда**



## VII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР


2018 йилнинг январь-сентябрида вилоят ташқи савдо айланмаси 1072,3 млн. АҚШ долларини ташкил қилиб, экспорт операциялари 207,7 млн. АҚШ долларини импорт операциялари эса 864,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

### 2018 йилнинг январь-сентябрида МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (млн.АҚШ dollari)

	январь-сентябрь		2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 й.	2018 й.	
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>781,5</b>	<b>1072,3</b>	<b>137,2</b>
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	233,8	334,0	142,9
бошқа давлатлар	547,7	738,3	134,8
<b>Экспорт</b>	<b>181,1</b>	<b>207,7</b>	<b>114,7</b>
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	99,7	105,7	106,0
бошқа давлатлар	81,4	102,0	125,3
<b>Импорт</b>	<b>600,4</b>	<b>864,6</b>	<b>144,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	134,0	228,3	170,3
бошқа давлатлар	466,4	636,3	136,4

**2018 йил январь-сентябрда вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ  
ва бошқа давлатларнинг улуши**

*(фоиз ҳисобида)*




**2018 йилнинг январь-сентябрида вилоят экспорт-импорти таркиби**

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2017 йил январь-сентябрь	2018 йил январь-сентябрь	2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Экспорт таркиби</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>114,7</b>
пахта толаси	1,3	-	-
озиқ-овқат маҳсулотлари	52,1	49,7	109,3
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	2,9	2,0	79,4
қора ва рангли металллар	2,6	4,2	185,9

	<i>Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида</i>		<i>Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида</i>
	<i>2017 йил январь- сентябрь</i>	<i>2018 йил январь- сентябрь</i>	<i>2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
машина ва ускуналар	5,1	8,0	180,9
хизматлар	11,5	12,4	123,3
бошқалар	24,5	23,7	111,1
<b>Импорт таркиби</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>144,0</b>
озик-овқат маҳсулотлари	11,1	14,4	186,1
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	26,3	19,6	107,3
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	0,3	0,5	2,5м
қора ва рангли металллар	3,9	7,5	2,8м
машина ва ускуналар	47,9	46,8	140,5
хизматлар	0,6	0,3	79,3
бошқалар	9,9	10,9	158,3

**2018 йил январь-сентябрь ойларида Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби**  
(умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)




**2018 йилнинг январь-сентябрида вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси**

	<i>Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида</i>	<i>2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Россия	15,8	158,0
Туркия	10,6	119,8
Қозоғистон	10,6	138,7
Хитой	15,5	161,0
Украина	1,5	119,2
Ҳиндистон	1,9	90,0
Германия	7,8	110,1
Белоруссия	0,8	108,6

	<i>Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида</i>	<i>2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Жанубий Корея	1,2	69,0
Эрон	1,3	127,8
Латвия	2,6	193,2
Япония	5,2	106,3
Қирғизистон	0,7	101,2
Голландия	1,8	4,5м
Бирлашган Араб Амирликлари	0,6	136,6
Туркменистон	0,4	132,8
Афғонистон	1,7	148,0
Полша	1,0	85,5
Литва	0,9	147,0


*(фоиз ҳисобида)*




# 2018 йил январь-сентябрда МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби

## Экспорт

МДХ




Бошқа хориж давлатлари




## Импорт

МДХ



Бошқа хориж давлатлари



## VIII. ТРАНСПОРТ

**Юк ташиш.** 2018 йилнинг январь-сентябрида барча транспорт турлари томонидан 32,9 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,5 фоизга кўпайди.

**Юк айланмаси** барча транспорт турлари томонидан 751,8 млн.тн-км.ни ташкил қилди ва 101,1 фоизга кўпайди.

### Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича

	2018 йил январь-сентябрь	2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	32,9	102,5
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	32,9	102,5
Юк айланмаси, млн. тн-км	751,8	101,1
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	751,8	101,1

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспорти юк айланмаси 2017 йил январь-сентябрь нисбатан 102,4 фоизга кўпайди ва 609,9 млн. тн-км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 81,1 фоизни ташкил қилди (2017 йил январь-сентябрда 80,1 %)

2018 йил январь-сентябрда барча транспорт турлари томонидан 337,0 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,0 фоизга кўпайди. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 102,2 фоизга кўпайиб, 10751,0 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди.

## Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2018 йил январь-сентябрь	2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	337,0	100,0
шу жумладан, автомобил транспортида	337,0	100,0
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	10751,0	102,2
шу жумладан, автомобил транспортида	10751,0	102,2

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг йўловчи ташувчи автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2017 йил январь-сентябрга нисбатан 102,7 фоизга кўпайди ва 10084,1 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди.

Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 93,8 фоизни (2017 йил январь-сентябрь 93,3 %) ташкил қилди.

**Юк ва йўловчи айланмасининг январь-сентябрь ойларидаги умумий ҳажми**



## IX. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2018 йил январь-сентябрда чакана товар айланмаси 7821,0 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,5 фоизга ўсди.

### Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	млрд. сўм	2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>7821,0</b>	<b>105,5</b>	<b>100</b>
<i>шу жумладан:</i> мулкчилик шакллари бўйича			
давлат мулки	2,6	74,2	0,03
нодавлат мулки	7818,4	101,0	99,97
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	5305,5	92,0	67,8

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2018 йил январь-сентябрда 721,0 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 152,1 фоизни ташкил қилди.

Кичик (бизнес) тадбиркорлик субъектининг жами чакана савдо ҳажми 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида 5963,2 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,1 фоизга ошди.

## 2018 йил январь-сентябрда чакана савдо айланмаси таркиби

	млрд. сўм	2017йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
--	-----------	--	--

<b>Чакана товар айланмаси</b>	<b>7821,0</b>	<b>105,5</b>	<b>100</b>
-------------------------------	---------------	--------------	------------


*шу жумладан:*

савдо корхоналари	721,0	152,1	9,2
-------------------	-------	-------	-----

Кичик тадбиркорлик	5963,3	105,1	76,3
--------------------	--------	-------	------

Уюшмаган сектор (ташқил этилмаган савдо фаолияти)	1136,7	89,9	14,5
--	--------	------	------

### Чакана савдо таркибининг улуши (фоиз ҳисобида)



Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 152,2 млрд. сўмга этди ёки 2017 йил январь-сентябрга нисбатан 104,3 фоизни ташкил этди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2086,2 минг сўмни ташкил этди (2017 йил январь-сентябрь ойларида 1699,6 минг сўмни ташкил этган).

2018 йил январь-сентябрда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 7115,8 млрд. сўмни, шу жумладан қишлоқ жойларида 2552,7 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 35,9 фоизи (2017 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 108,2 фоиз)ни ташкил қилди.

**Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича  
тақсимланиши**  
*2018 йил январь-сентябрь*


	млрд. сўм	2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида	шу жумладан: қишлоқ жойларида млрд. сўм
<b>Жами хизматлар</b>	<b>7115,8</b>	<b>108,2</b>	<b>100,0</b>	<b>2552,7</b>
<i>шу жумладан:</i> хизмат турлари бўйича				
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	455,9	117,6	6,4	3,8
Молия хизматлари	685,8	132,1	9,6	121,1
Транспорт хизматлари	1963,0	105,6	27,6	1006,0
<i>шу жумладан:</i> автотранспорт хизматлари	1803,9	102,2	25,4	982,7
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	185,7	102,4	2,6	48,9
Савдо хизматлари	2207,9	103,5	31,0	928,5
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	200,8	103,3	2,8	82,7
Таълим хизматлари	302,8	118,5	4,3	46,9

	млрд. сўм	2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида	шу жумладан: қишлоқ жойларида млрд. сўм
Соғлиқни сақлаш хизматлари	96,7	112,0	1,4	16,6
Ижара ва прокат хизматлари	259,3	107,1	3,7	58,2
Компютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	208,3	102,9	2,9	63,2
Шахсий хизматлар	301,7	102,1	4,2	106,8
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	61,7	141,6	0,9	34,1
Бошқа турдаги хизматлар	186,2	103,0	2,6	35,9

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 27,6 фоизи), савдо (31,0 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молия хизматлари (132,1 фоиз), таълим хизматлари (118,5 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (117,6 фоиз), соғлиқни сақлаш хизматлари (112,0 фоиз) ҳамда меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматларида (141,6 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

**2018 йил январь-сентябрда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг  
иқтисодий фаолият турлари улуши, фоизда**



**Ҳудудлар кесимида бозор хизматлари ишлаб чиқариши**  
(2018 йилнинг январь-сентябрида)

	Жами			Аҳоли жон бошига	
	млрд.сўм	2017й. январь— сентябрга нисбатан фоизда	жами хизматлар ҳажмига нисбатан фоизда	минг сўм	2017й. январь— сентябрга нисбатан фоизда

<b>Самарқанд вилояти</b>	<b>7115,8</b>	<b>108,2</b>	<b>100,0</b>	<b>1 898,1</b>	<b>106,2</b>
------------------------------	---------------	--------------	--------------	----------------	--------------


*шаҳарлар:*

Самарқанд	4 006,0	109,2	56,3	7 517,4	107,8
Каттақўрғон	122,5	106,4	1,7	1 403,4	105,2

*туманлар:*

Оқдарё	176,2	107,0	2,5	1 146,5	105,0
Булунғур	219,2	106,8	3,1	1 215,0	104,6
Жомбой	170,7	106,6	2,4	1 036,6	103,9
Иштихон	231,3	106,9	3,3	947,7	104,6
Каттақўрғон	235,8	107,3	3,3	894,5	105,2
Қўшрабат	121,6	106,6	1,7	961,2	104,4
Нарпай	184,1	107,0	2,6	892,0	105,3
Пайарик	230,9	106,9	3,2	959,1	104,8
Пастдарғом	283,5	106,8	4,0	830,1	104,6
Пахтачи	121,4	106,7	1,7	869,4	104,9
Самарқанд	302,8	107,1	4,2	1 245,9	105,1
Нуробод	140,4	106,1	2,0	969,1	104,1
Ургут	352,6	108,0	5,0	725,1	105,4
Тайлоқ	216,8	107,2	3,0	1 122,0	105,1

**Худудларнинг бозор хизматлари ишлаб чиқаришдаги улуши  
(фоиз ҳисобида)**



Худудлар кесимида хизматларнинг энг юқори ўсиш суръати Самарқанд шаҳри (109,2 фоиз) ҳиссасига тўғри келди.

Аҳоли жон бошига энг катта хизматлар ҳажми Самарқанд шаҳри (7517,4 минг сўм), Каттақўрғон шаҳри (1403,4 минг сўм) ва Самарқанд (1245,9 минг сўм) туманларида қайд этилди.

Вилоят бўйича кўрсатилган хизматларнинг Самарқанд шаҳри (56,3 фоиз), Самарқанд (4,2 фоиз), Ургут (5,0 фоиз) ва Пастдарғом (4,0 фоиз) туманлари ҳиссаларига тўғри келди.

Ҳар бир ҳудуд вилоят иқтисодиётининг алоҳида ҳудудий қисми ҳисобланади. Ҳар бир ҳудуд ўзининг ихтисослашуви, иқтисодиётни комплекс ривожлантириш ва уни бошқариш имконияти билан бошқасидан фарқ қилади.

## Х. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 октябры ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3777,8 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 57811 кишига ёки 1,6 фоизга кўпайди.


### Доимий аҳоли сони

(2018 йил 1 октябры ҳолатига, минг.киши)

	Жами аҳоли сони	шу жумладан:		Жами аҳоли сонидан:	
		эркаклар	аёллар	шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
<b>Вилоят</b>	<b>3777,8</b>	<b>1898,3</b>	<b>1879,6</b>	<b>1407,7</b>	<b>2370,1</b>
<i>шаҳарлар</i>					
Самарқанд	536,1	259,3	276,8	536,1	0
Каттакўрғон	87,8	43,9	44,0	87,8	0
<i>туманлар:</i>					
Оқдарё	154,8	77,9	76,9	61,1	93,7
Булунғур	181,9	92,6	89,3	40,7	141,1
Жомбой	166,3	84,0	82,3	37,4	128,9
Иштихон	246,0	123,7	122,3	67,5	178,6
Каттакўрғон	265,5	134,5	131,0	50,8	214,7
Қўшрабат	127,5	65,0	62,5	12,1	115,4
Пайарик	242,8	125,3	117,5	71,2	171,6

	Жами аҳоли сони	шу жумладан:		Жами аҳоли сонидан:	
		эркаклар	аёллар	шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
<b>Вилоят</b>	<b>3777,8</b>	<b>1898,3</b>	<b>1879,6</b>	<b>1407,7</b>	<b>2370,1</b>
Пастдарғом	344,3	172,5	171,8	90,6	253,7
Пахтачи	140,7	69,7	71,0	27,7	113,0
Самарқанд	244,8	123,7	121,1	14,8	230,0
Нарпай	207,7	105,7	102,0	62,9	144,9
Нуробод	146,0	73,3	72,7	16,9	129,0
Тайлоқ	194,7	98,2	96,5	23,7	171,0
Ургут	490,9	249,0	241,9	206,4	284,5


**2018 йил 1 октябрь ҳолатига аҳоли сони таркиби**  
(минг киши)



**2018 йилнинг январь-сентябрида аҳолининг табиий ҳаракати**

	киши			ҳар минг аҳолига, нисбатан	
	2017й.	2018й. <sup>1)</sup>	ўсиш, камайиш	2017й.	2018й. <sup>1)</sup>
Туғилганлар	65502	71937	6435	23,8	25,7
Ўлганлар	11809	11379	-430	4,3	4,1
Табиий ўсиш	53693	60558	6865	19,5	21,6
Никоҳлар	24737	19657	-5080	9,0	7,0
Ажралишлар	2917	2523	-394	1,1	0,9

**2018 йилнинг январь-сентябрида аҳолининг табиий ҳаракати, киши ҳисобида**



Туғилиш даражасининг кўпайиши Ургут (27,7 промилледан 30,1 промиллега) ва Пайариқ (26,5 промилледан 28,3 промиллега), Каттакўрғон шаҳар (22,4 промилледан

<sup>1</sup> дастлабки маълумот

25,3 промиллега), Иштихон (24,9 промилледан 27,8 промиллега) туманларида сезиларли даражада ўсиш кузатилди.


Ўлим даражаси. 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида вафот этганлар сони 11379 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (11809 киши) нисбатан 430 тага камайган. Ўлим коэффициенти эса 4,1 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-сентябрда 4,3 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши сезиларли даражада кузатилмади, аксинча камайиш Самарқанд шаҳар (5,3 дан 4,7 га), Пастдарғом (4,1 дан 3,4 га), Қўшработ (4,6 дан 4,1 промиллега), ва Нарпай (4,1 дан 3,7 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 60,0 фоизи - қон айланиш тизими касалликлари, 7,6 фоизи - ўсма касалликлари, 6,4 фоизи - бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлар, 5,9 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари, 4,1 фоизи - нафас олиш органлари касалликлари, 1,4 фоизи - инфекция касалликлари ва қолган 14,6 фоизи эса бошқа касалликлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

#### **Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузулиши**

*(2018 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига, фоизда)*



**Никоҳ ва ажралишлар.** 2018 йилнинг январь-сентябрида ФХДЁ органларида 19657 та никоҳ ва 2523 та ажралишлар рўйхатга олинди. Ҳар минг аҳолига нисбатан 7,0 та никоҳ (2017 йилнинг тегишли даврида – 9,0 та) ва 0,9 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида 1,1 та) тўғри келди.

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 9320 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 12067 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 2747 кишига (2017 йилнинг шу даврида минус 4026 киши) тенг бўлди.


**2018 йил январь-сентябрда аҳолининг миграция кўрсаткичлари (киши)**

	Келганлар		Кетганлар		Миграция салъдоси	
	2017й.	2018й.	2017й.	2018й.	2017й.	2018й.
<b>Вилоят</b>	<b>7782</b>	<b>9320</b>	<b>11808</b>	<b>12067</b>	<b>-4026</b>	<b>-2747</b>
<i>шаҳарлар</i>						
Самарқанд ш.	1445	2630	2449	2290	-1004	340
Каттақўрғон ш.	52	197	534	540	-482	-343
<i>туманлар:</i>						
Оқдарё	578	133	411	490	167	-357
Булунғур	655	663	841	783	-186	-120
Жомбой	535	654	415	448	120	206
Иштихон	503	358	729	785	-226	-427
Каттақўрғон	684	494	838	732	-154	-238
Қўшрабат	426	565	660	808	-234	-243
Пайариқ	86	329	957	950	-871	-621
Пастдарғом	686	352	491	520	195	-168
Пахтачи	274	729	865	810	-591	-81
Самарқанд	461	952	555	881	-94	71
Нарпай	475	499	525	539	-50	-40
Нуробод	48	95	389	373	-341	-278
Тайлоқ	504	331	375	371	129	-40
Ургут	370	339	774	747	-404	-408


Энг катта минус қолдиқлар Каттакўрғон (минус 343) шаҳарда ҳамда Пайарик тумани (минус 621), Ургут (минус 408), Нуробод (минус 278), Иштихон (минус 427), Қўшработ (минус 243), Каттакўрғон (минус 238), Оқдарё (минус 357) туманларида кузатилди.

### 2018 йилнинг январь-сентябрида аҳолининг табиий ҳаракати

(ҳар 1000 кишига)



**Бандликка кўмаклашиш марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар  
сони (киши)**



Бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 20800 нафари (барча мурожаат қилганларнинг 54,8 фоизи) ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Нуробод (мурожаат этганларнинг 72,2 фоизи), Ургут (67,5 фоизи), Қўшрабoт (66,6 фоизи), Самарқанд шаҳри (66,5 фоизи), Нарпай (61,7 фоизи) туманларида юқори даражада бўлди.

<sup>1)</sup> Дастлабки маълумот

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ  
2018 ЙИЛ ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ**

*Нашрга масъул:*

**Статистика фаолиятини ташкил этиш  
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими**  
*тел. (0-366) 235-58-95*

Буюртма рақами №\_\_ \_\_. \_\_.18 й.      Тираж \_\_ нусха

**Самарқанд вилояти статистика бошқармаси  
Самарқанд ш, У.Турсунов кўчаси, 82 уй.**

